

## Қушнинг ҳоли ҳақидаги тааммул | Тазкия дарслари (338-дарс)



19:00 / 26.07.2025 1492

Аллоҳ таоло бандаларни Ўзи яратган барча нарсалардан, ҳаттоки осмонда учиб юрган қушлардан ҳам ибрат олишга буюради:

﴿بَصِيرَةٌ فِي كُلِّ شَيْءٍ ۖ إِنَّهُ الرّحمنُ العليمُ ما ويقيضن صَفَّتِ فَوْقَهُمُ الطَّيْرُ إِلَىٰ رِوَاؤِلَهُ

**«Устиларида қанот ёйиб ва йиғиб (учаётган) қушларни кўрмадиларми? Уларни Роҳмандан бошқа ушлаб тургани йўқ. Албатта, У барча нарсани кўриб турувчидир»** (Мулк сураси, 19-оят).

Бошқа махлуқотлар қатори, қуш ҳам Аллоҳ таолонинг қудратига ёрқин далилдир. Унинг бошқа жонзотлардан фарқ қилиб, чексиз осмонда соатлаб учишининг ўзиёқ алоҳида мўъжиза.

Шунинг учун ҳам оятда қушнинг учишига эътибор тортилмоқда.

Дарҳақиқат, осмондаги қушга назар солиб, унинг қанотини ёйиб ва йиғиб учиб юрганини тааммул қилиб кўрган одам ўзига етарли ибрат олиши турган гап.

У қушни ким осмонда ушлаб турибди? Нимага у ерга тушиб кетмаяпти? Албатта, бу каби тааммул инсоннинг тўғри йўлга юришига сабаб бўлиши керак.

***«Рухий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди***

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 14 апрелдаги 03-07/2439-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.